

800 йиллик масжид қайта тикланмоқда



11:06 / 03.11.2021 1656

2020 йил январ ойида Туркиянинг Малатья шаҳрида содир бўлган кучли зилзила оқибатида вайрон бўлган энг қадимги масжид қайта тикланмоқда. 800 йил муқаддам қурилган Батталгази масжидида ҳозирда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда ва мустаҳкамлаш чоралари кўрилмоқда.

Ушбу масжид 1224 йил Салжуқийлар ҳукмдори султон Аладдин Кайкубод I даврида қурилган. Батталгази масжиди Анадолуда Салжуқийларнинг меъморий анъаналари сақланиб қолган ягона иншоотдир. Масжидни таъмирлаш ишлари лойиҳа тасдиқланганидан сўнг 2021 йил 5 мартда бошланган. Ҳозирда масжиднинг ёғоч томини демонтаж қилиш ишлари якунланди. 2022 йил май ойида таъмирлаш ишлари якунланиши кўзда тутилмоқда.